

**Ўзбекистон Республикаси номидан**  
**Х У К М**

2025 йил октябрь ойининг 17 кунда жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, якка тартибда, раислик қилувчи судья А.Олтибоев, судья ёрдамчиси О.Мирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Муминов, таржимон М.Қудратов, судланувчи Х.Юлдашева, унинг ҳимоячиси Р.Камоловларнинг иштирокида, судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовнага нисбатан 1-1403-2501/140-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Юлдашева Хулкар Саидмуратовна (Yuldasheva Xulkar Saidmuratovna), 1987 йил 26 май куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали 3 нафар фарзандлари бор, судланмаган, Карат тур фирмаси раҳбари, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, “Кайковус” маҳалла фуқаролар йиғини, Нурафшон кўчаси, 49-уй 21-хонадонда яшайди, иш бўйича унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 21 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовна, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил июль ойининг бошларида ўзининг таниши жабрланувчи Хайдаров Нурбек Рузимуратович билан телефон орқали суҳбатлашиб, суҳбат давомида Н.Хайдаров ундан Хитой Халқ Республикасида жойлашган “YUXUAN MIZHENG IMPORT AND EKSPORT CO.LTD” корхонасидан метални эритиш ва қайта ишлаш ускунасини сотиб олишда ёрдам сўраганлигидан фойдаланиб, Хитой тилини билишини ва савдо жараёнига ёрдам беришини айтиб, ушбу йўл билан жабрланувчи Н.Хайдаровни ишончига кириб, унга сотиб олиндиған ускуналарнинг нархи қимматлашиб кетмаслиги учун олдиндан Хитой корхонасига тўлов қилиш лозимлигини билдириб, жабрланувчи Н.Хайдаровни ўзининг ушбу сўзларига ишонтариб, уни алдаб, 2024 йил июль ойининг охирида ва 05.08.2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасига нисбатан жами 289.110.000 сўм қийматга тенг бўлган, жуда кўп миқдордаги 23.000 АҚШ долларини



фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу пул маблағларини “YUXUAN MIZHENG IMPORT AND EKSPORT CO.LTD” корхонасига ўтказмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовна суд мажлисида, айбига икrorлик билдирмасдан, у Хайдаров Нурбек Рузимуратовични 2001 йилдан буён танишлигини, Нурбек билан Тошкент шаҳрида жойлашган лицейда ўқиганлигини, 2024 йил 25 май куни лицейда таҳсил олган курсдошлари билан Тошкент шаҳрида кўришганлигини, шу вақтда Н.Хайдаров ундан нима иш қилишини сўраганлигини, сўнг у Н.Хайдаровга ўзини тилшунос эканлигини, ҳозирда тур фирма очмоқчи эканлигини айтганлигини, шу билан бу мавзуда бошқа суҳбатлашмаганлигини, орадан 4-5 кун ўтиб Н.Хайдаров унга телефон қилиб “сен Хитой тилини билар экансан, бир иккита иши борлигини, шуни қилиб беришлигини айтганлигини, у эса рози бўлиб бу гапга жиддий қарамаганлигини, орадан бироз вақт ўтиб Н.Хайдаров унга “ҳал қилинмаётган иши борлигини, шунга ёрдам беришлигини, Н.Хайдаров унга Хитойдан темир эритиш ускуналарини сотиб олмоқчи эканлигини айтганлигини, бу ҳолат тахминан бир ойлар давом этганлигини, шундан сўнг у Н.Хайдаров ташлаб берган Хитойдаги манзил орқали Рой исмли Хитой фуқароси билан суҳбатлашган вақтида у Ройга ВИ ЧАти борлиги ҳақида сўраганлигини, у борлигини айтганидан сўнг у билан чат орқали суҳбатлашганлигини, шу вақтда Хитой фуқароси унга ўзи сўраган металлни эритиш мосламаси ҳақида маълумотларни расмга олиб ташлаб берганлигини, у эса бу расмларни Н.Хайдаровга ташлаб борганлигини, Н.Хайдаров бу ишга жиддий қарашини айтиб бир неча марта ўз ҳолига қўймаганлигини, Н.Хайдаров унга бу ишга қизиқаётганлиги сабаби келажакда у Хитойдан кўп нарса олишини, “ўзинг бу ишларни қилиб берасан” деб айтганлигини, шу сабабли бунга жиддийроқ қарагин Хулкаржон деб айтганлигини, у эса уни гапларига ишониб Н.Хайдаров ташлаб берган барча ҳужжатларни ўрганиб чиққанлигини, Н.Хайдаров унга бир соатлаб шу мавзу бўйича телефон қилиб нима бўлди деб сўраб турганлигини, суҳбати давомида Н.Хайдаров ундан хизмати ҳақида сўраганлигини, шу вақтда у Н.Хайдаровга умумий сумманинг 5 % бўлишини айтганлигини, Н.Хайдаров билан суҳбати давомида унга ўзи учун керак бўлган нарсаларни ташлаб берганлигини, у эса бу суратларни Ройга ташлаб берганлигини, Рой эса сотиб олиниши лозим бўлган нарсаларнинг ҳажмини сўраб турганлигини, у қайтадан Нурбекка алоқага чиқиб ундан Рой сўраган нарсаларни жавобини олиб Ройга ташлаб берганлигини, Хитойда ишловчи ўзини Рой деб таништирган шахс Н.Хайдаров сотиб олмоқчи бўлган темир эритиш ускуналарни жами баҳосини 138.765 АҚШ доллари деб айтганлигини, у бу суммани Н.Хайдаровга айтганида унга ўйлаб кўриб жавобини айтишини билдирганлигини, Рой суҳбати давомида тўловларни Юанда ёки АҚШ долларида амалга оширилиши мумкинлигини айтганлигини, орадан 5-6 кун ўтиб яъни 2024 йил июль ойи ўрталарида Н.Хайдаров унга телефон қилиб Хитойдан ускунани сотиб олишини айтганлигини, шундан сўнг у Ройга бу



ҳақда айтиб ускуна сотиб олинисини тушунтирганлигини, Н.Хайдаров ускуналар учун пулларни беришни кечиктирганлигини, шу сабабли ҳам Рой унга алоқага чиқиб улар маҳсулотларни олиш ёки олмаслигини, агар олмаса уни вақтини олмасликларини, у бошқа билан шуғулланишлигини, ускуналарни нархи ошиб бораётганлигини айтганлигини, шу сабабли бу сўзларни у Н.Хайдаровга айтганида, Н.Хайдаров унга Хитойга бирон нарса деб туришини, банкдан пул чиқиши кераклигини, шу иш битгандан Хитойга пулларни чиқаришлигини айтганлигини, у эса Н.Хайдаровни бу гапларини Ройга етказганлигини, Рой шунда унга агарда ҳақиқатдан ҳам ускунани олмоқчи бўлса олдиндан гаров тариқасида темир эритиш ускунаси учун 10 % пулларни ташлаб беришлигини айтганлигини, бу пуллар гаров тариқасида туришлигини, бу пуллар ускунанинг умумий суммасига аралашмаслигини, ускуна учун керак бўлган лабораторияни эса бошқа фирмадан олинисини тушунтириб лаборатория учун ҳам 10.000 АҚШ долларини ташлаб бериши кераклигини айтганлигини, у Ройнинг бу гапларини Н.Хайдаровга етказганлигини, шунда Н.Хайдаров унга маслаҳатлашиб жавобини айтишини, орадан айрилган вақт келиб Н.Хайдаров унга телефон қилганлигини, у бу вақтда Сирдарёда бўлганлигини, Н.Хайдаров унга ўзини акаси Хайдаров Отабек 13.000 АҚШ долларини олиб келиб беришини билдирганлигини, шунда у ўзини бошқа жойда эканлигини тушунтирганида кечки вақтда бўлса ҳам акасига телефон қилишини айтганлигини, акаси унга бу пулларни олиб бориб беришини айтганлигини, бу ҳолат тахминан 2024 йил июль ойини охирида бўлиб ўтаётганлигини, шундан сўнг у Тошкентга қайтиб келиб ўзини уйини олдида Н.Хайдаровнинг акаси О.Хайдаров билан кўришганлигини ва ундан 13.100 АҚШ доллари олганлигини, эртаси куни бу пулларни Рой унга ВИ Чат орқали ташлаб берган картага Юан шаклда унга ўтказиб берганлигини, у О.Хайдаров берган жами 13.000 АҚШ долларини ўзида олиб қолиб Хитойдан ўзини номига ЭБИСИ банкдан очилган 6228 4433 3074 рақамли картада бўлган пулларни О.Хайдаров берган 13.000 АҚШ долларига ҳисоблаб юан шаклида Ройнинг картасига ташлаб берганлигини ва ташланганлиги ҳақидаги чекни Н.Хайдаровга юборганлигини, орадан 2 кун ўтиб Н.Хайдаров уни Ипак йўли банкдан очилган 4023 0602 1510 9454 рақамли ВИЗА картасига 10.000 АҚШ долларини ташлаб берганлигини, у эса ушбу пулларни Хитойдан ўзини номига ЭБИСИ банкдан очилган 6228 4433 3074 рақамли картаси орқали Хитойлик Рой айтган картага Юан шаклида ўтказиб берганлигини, у Н.Хайдаров берган жами 23.000 АҚШ долларини Хитойлик Рой айтган картага ташлаб берганлигини, бу пуллар гаров тариқасида турган пуллар бўлишини, ушбу пуллар маҳсулотларни нархига алоқаси йўқлигини, Рой пулларни олгандан сўнг Хитой билан шартнома тузилганлигини, ушбу шартномада маҳсулотнинг жами баҳоси 138.765 АҚШ доллари эканлигини, маҳсулот 45 кун иш кунида етказиб берилиши кўрсатиб ўтилган эканлигини, Н.Хайдаров маҳсулотни етказиб бериш муддатини қисқартир деб айтганлиги учун Рой билан гаплашиб 30 иш кунига қисқартирганлигини, шартнома



тузилгандан сўнг Рой маҳсулотнинг 30% тўловини тўлаш кераклигини айтганлигини, у бу гапни Н.Хайдаровга етказганлигини, шу вақтда Н.Хайдаров ундан заводнинг ҳисоб рақамини сўраганлигини, шу боис Рой билан гаплашиб заводнинг ҳисоб рақамини олиб Н.Хайдаровга ташлаб берганлигини, шундан сўнг Н.Хайдаров Бизнесни ривожлантириш банки орқали Рой берган ҳисоб рақамга тахминича 42.000 АҚШ доллари ташлаб берганлигини, шундан сўнг Хитойликлар маҳсулотни тайёрлашни бошлашганлигини, бу вақт оралиғида Н.Хайдаров унга тинмасдан телефон қилиб Хитой маҳсулотни тайёрлашаётганлиги ҳақида сўраганлигини, расмларини ташлаб беришни сўраб турганлигини, у эса Ройдан Н.Хайдаровга сўраган нарсаларни айтганида дастлаб Рой унга ҳозирда завод ичида маҳсулот тайёрланаётганлигини, заводни ичига кириб расмга олишни имкони йўқлигини, тайёр бўлгандан сўнг ўзи расмга олиб ташлаб беришни айтганлигини, бу орада Н.Хайдаровни акаси унга телефон қилиб маҳсулотни 20 кунда келишини айтиб бақир-чақир қилганлигини, шу вақтда у унга маҳсулот 30 иш кунда келишини айтганлигини, Н.Хайдаров унга ҳар телефон қилганда маҳсулотни тезлаштириб олиб келиниши сўраганлигини, у эса Хитойликлар маҳсулотни шартнома бўйича етказиб беришни тушунтирганлигини, 24 кунда маҳсулот тайёр бўлгач Рой унга маҳсулотни тест режимида ишлатиб кўришни айтиб бу ҳолатни видеога олиб ташлаб берганлигини, бу ҳолатдан сўнг Н.Хайдаровни акаси унга телефон қилиб нимага тестга қўйганлигини, бу учун вақт кетишини айтиб гапирганлигини, шунда у Н.Хайдаровни акасига тест кераклигини, маҳсулот бузуқ чикса эрта унга гапириши мумкинлигини, яна бироз кутиб туришлигини айтганлигини, 25.09.2024 йилда маҳсулот Ўзбекистонга юбориш учун тайёр бўлгандан сўнг Рой қолган суммани ҳам юбориш кераклигини айтганлигини, у эса Н.Хайдаровга бу ҳақда айтганида Н.Хайдаров унга гаров учун берилган 23.000 АҚШ долларини ҳам Хитойликлар ўзларига олишни айтганлигини, бу гапни Ройга етказганида Рой унга Н.Хайдаров жами бўлиб 96.765 АҚШ доллари бериши кераклигини, гаров учун берилган 23.000 АҚШ долларининг 10.000 АҚШ долларини қўшишлигини, шунда яна 86.765 АҚШ доллари бериши кераклигини, 13.000 АҚШ долларини маҳсулот пулига қўша олмаслигини, бу пуллар маҳсулот харидорни яъни Н.Хайдаровни қўлига етиб боргандан сўнг ушбу пулларни уни ҳисоб рақамига ёки логистикасига ташлаб беришни гапирганлигини, у Ройни гапларини Н.Хайдаровга етказганидан сўнг у билан тортишув бошланганлигини, у ўзини гапида 13.000 АҚШ долларини ҳам умумий суммага қўшишни айтиб туриб олганлигини, 25.09.2024 йилда маҳсулот тайёр бўлган бўлса-да 06.10.2024 йилгача ушбу пулларни тўлашни ўрнига пайсалга солиб юрганлигини ва ўзини сўзидан туриб Рой айтган ҳисоб рақамга 73.765 АҚШ доллари ташлаб, қолган 13.000 АҚШ долларини ҳам қўшиб олишлигини айтганлигини, шу билан ўртага Н.Хайдаровни акаси О.Хайдаров яна қўшилиб у билан тортишиб кетганлигини, аммо кейинчалик Н.Хайдаров ушбу 13.000 АҚШ доллари пулларни ҳам тўлаб берганлигини, шу вақтдан бошлаб уни бу



масаладан чиқариб юборишганлигини, ўзлари эса бошқа хитой тилини билувчи логистика-чи бола билан гаплашиб ҳал қилишганлигини, ҳозирги кунда етказилган зарар яъни 252.675.000 сўм пуллар ИИБ депозит ҳисобига тўлаганлигини, унинг айби йўқлигини, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни ва ИИБ депозит ҳисобига тўлаган 252.675.000 сўм пулларни ўзига қайтаришни сўради.

Жабрланувчи Хайдаров Нурбек Рузимуратович суд мажлисида, у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлигини, “CUPRUM 777” МЧЖ ни ташкил қилиб металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлганлигини, бу ишларни юритиш учун ускуна сотиб олмоқчи бўлиб юрганида Тошкентдаги нафис санъат лицейда бирга ўқиган курсдоши Юлдашева Хулкар билан телефон орқали гаплашиб қолганлигини, Х.Юлдашева унга Хитой тилини билишлигини ва “Карат” тур фирмасида ишлаётганлигини, Хитойда танишлари борлигини, металл эритиш ускуналарини сотиб олишида ёрдам қилишлигини айтганлигини, у Х.Юлдашевага март ойларида бир ўртоғига Хитойнинг “YUNUAN MIZHENG IMPORT AND EKSPORT CO.LTD” корхонасидан металл эритиб қайта ишлаш линиясини сотиб олганлигини, лекин тилни билмаганлиги сабабли ўртадаги одам уларга қиммат нархда линияни сотганлигини, шунинг учун Х.Юлдашевага тилни билишлиги учун Хитойдаги шу корхона билан гаплашишлигини, металл эритиш ва қайта ишлаш линиясини нархларини билиб беришлигини айтиб “YUNUAN MIZHENG IMPORT AND EKSPORT CO.LTD” корхонасининг манзиллари ва телефонларини берганлигини, шундан сўнг орадан бироз вақт ўтиб Юлдашева Хулкар унга Хитойнинг корхонаси билан гаплашганлигини, хоҳласа металл эритиш ва қайта ишлаш ускуналарини ўзи гаплашиб унга сотиб олишига ёрдам қилишини, ускуналарнинг нарх-навосини ташлаб берганлигини, унда линиянинг нархи 129.685 АҚШ доллари эканлигини, шу вақтлар давомида Юлдашева Хулкар нархлар ошиб кетишлигини, Хитойликларга ишни бошлашлари учун иккита ускуна эвазига 23.000 АҚШ доллари олдиндан бериб қўйиш кераклигини айтганлигини, у Х.Юлдашевага ишониб июль ойининг охирларида 13.000 АҚШ доллари нақд берганлигини ва 05.08.2024 йилда Ипак йўли банки Каттакўрғон филиалидан Юлдашева Хулкарнинг виза пластик картасига 10.000 АҚШ долларини ташлаб берганлигини, шундан сўнг савдолашиб метал маҳсулотлари эритиш ва қайта ишлаш ускуналари линиясини 128.765 АҚШ долларига сотиб олиш учун Хитойнинг “YUNUAN MIZHENG IMPORT AND EKSPORT CO.LTD” корхонаси билан 07.08.2024 йилда шартнома тузганлигини, у дастлаб Хитой корхонасига 42.000 АҚШ долларини ва иккинчи сафар 73.765 АҚШ долларини кўчириб берганлигини, лекин Хитой корхонаси ускуналарни жўнатмаганлигини, у Юлдашева Хулкардан нима сабабдан ускуналар жўнатилмаётганлигини сўраганида у ундан олган 13.000 АҚШ долларини Хитой корхонасига ташлаб берганлигини айтиб, Хитойнинг пластик карталарга пул ўтказилганлиги тўғрисидаги скриншот қилинган



хужжатларни юборганлигини ва ускуналарни жўнатишини айтиб уни тинчлантирганлигини, орадан биров вақт ўтиб Юлдашева Хулкар нархлар ошганлигини айтиб, ускуналарнинг нархи 138.765 АҚШ доллари бўлганлигини айтиб, пройслист ва 138.765 АҚШ долларлик янги шартномани ташлаб берганлигини, у ноилож имзолаб берганлигини ва Юлдашева Хулкарнинг ҳаракатларидан шубҳалана бошлаганлигини, уни алдаётганлигини сезганлигини, шундан сўнг бошқа таржимон топиб ҳолатни қайтадан ўрганиб чиққанлигини, ўрганиш давомида Хитой корхонасига телефон қилиб гаплашганида улар Юлдашева Хулкардан 23.000 АҚШ долларини олишмаганлигини, улар фақат пул кўчириш йўли билан ишлашлигини, Юлдашева Хулкар томонидан 13.000 АҚШ доллари эквивалентида 95.106 ЮАН ташланган пластик карталар уларга тегишли эмаслигини, ҳозир улар 115.000 АҚШ доллари ўтказиб берганини яна 23.000 АҚШ доллари ўтказиб беришлари кераклигини, улар бунинг ичидан Юлдашева Хулкарга 10.000 АҚШ долларини бериши кераклигини, у хитойликларга Юлдашева Хулкарга жўнатиши учун берган 23.000 АҚШ долларини олганлигини айтганида, Хитойликлар унга Юлдашева Хулкардан пул олишмаганлигини, Юлдашева Хулкар “CUPRUM 777” МЧЖ нинг янги бош директори этиб тайинланганлигини айтганлигини, шу сабабли унинг талаби билан шартнома қийматини 138.765 АҚШ долларига ўзгартиришганлигини, Хулкарни устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга шикоят қилишлигини, улар кўрсатма беришини айтганлигини, шундан сўнг шартномани ҳам қайтадан 128.765 АҚШ долларига ўзгартириб тузганлигини ва у яна 13.000 АҚШ доллари кўчириб берганлигини, Юлдашева Хулкарга бўлган воқеаларни айтиб изоҳ сўраганида у ҳар хил баҳоналар билан уни алдаб келганлигини, ундан бир неча марта пулларни қайтаришни талаб қилганлигини, у Хасан исмли логистика билан шуғулланадиган танишининг пластик картасига 20.700 ЮАН ташлаб берганлигини, бу 3000 АҚШ доллари бўлишлигини, қолганини кейин беришини айтиб ҳозиргача алдаб келаётганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Х.Юлдашева томонидан ИИБ депозитига қўйилган 252.675.000 сўмни ундириб беришни, шу билан етказилган моддий зарар қопланган деб ҳисобланишлигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Lu veу Hong Wechat интернет ижтимоий тармоғи орқали таржимон иштирокида суд мажлисида, у Хитой Республикаси фуқароси эканлигини, у заводда ишлашлигини, унинг Wechatда профили Рой деб номланганлигини, у Wechat орқали 2024 йил 24 июль кунидан 23 ноябрь кунига қадар Х.Юлдашева яъни (Ясмин) билан гаплашганлигини, Х.Юлдашева уларнинг заводига заказ қилганлигини, шу муддат мобайнида Х.Юлдашева яъни (Ясмин) билан ўрталарида низо бўлмаганлигини, у контракт тузишдан олдин Х.Юлдашева контракт шартномага турли хил аксессуарлар қўшишга ҳаракат қилганлигини, сабаби нархни ошириб 10.000 АҚШ доллари ўзига олишни хоҳлаганлигини, контракт шартнома суммаси 128.765 АҚШ долларига тузилганлигини, унинг заводига 128.765 АҚШ



доллари кўчирилганлигини, у Wechat орқали Х.Юлдашева яъни (Ясмин) билан ёзишмаларини кўрсатганлигини, Х.Юлдашева яъни (Ясмин) 10.000 АҚШ доллари олиш учун унга контракт шартнома суммасини 138.765 АҚШ долларига ўзгартириб беришни илтимос қилганлигини, шу сабабли у контракт шартнома суммасини ўзгартириб берганлигини баён қилди.

Судланувчи Х.Юлдашеванинг айби йўқлиги, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги кўрсатувлари суд мажлисида жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари, улар ўртасидаги юзлаштиришлар ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган далиллар билан тўлиқ инкор этилади, суд уларнинг ушбу вазларини муқаррар жавобгарликдан ва жазодан қутулиб қолиш мақсадида ўйлаб топилган ваз деб танқидий баҳолайди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, ҳимоячининг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовнанинг жиноят содир этганликда айби, ариза, билдиришнома, қвитанция, юзлаштириш баённомаси, WeChat ижтимоий тармоқ мессенжери орқали юборилган овозли смс хабар стенограммаси, судга оид техник экспертиза хулосаси, ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовнанинг содир қилган айбли ижтимоий хавфли қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовнанинг етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, аёл киши эканлигини, қарамоғида 3 нафар фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолати жиноятни ғаразли ниятда содир қилганлигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовнага нисбатан жазо тайинлашда,

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг 2-хат бошида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил қилади"-деган талабига ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида "Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига" қаратилиши, шунингдек "Судлар жазо тайинлашда, содир этилган



жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак” деган,

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида яъни “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деган,

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 15-банди яъни “Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин”-деган ва 16-банди яъни “Судлар шуни назарда тутишлари керакки, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозим. Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаганлар фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инobatга олиниши лозим”-деган раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, оилада ягона боқувчилигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг камидан ҳам камроқ қисмини тайинлашни, жарима жазоси миқдорини белгилашда жиноят содир бўлган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори яъни 340.000 сўмдан келиб чиққан ҳолда белгилашни лозим топди.

Суд, шунингдек, иш бўйича етказилган зарарни қоплаш учун Самарқанд вилоят ИИБ нинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 252.675.000 сўм пулларни жабрланувчи Хайдаров Нурбек Рузимуратович фойдасига ўтказишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457,460, 463,465-468,471-473-моддаларига амал қилиб, суд,

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Юлдашева Хулкар Саидмуратовна (Yuldasheva Xulkar Saidmuratovna), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.



Юлдашева Хулкар Саидмуратовнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 34.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 252.675.000 сўм пуллар жабрланувчи Н.Хайдаровга қайтарилсин.

Судланувчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовнага нисбатан қўлланилган почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва паспортни (ҳаракатланиш ҳужжатнинг) амал қилиш қилишни тўхтатиб туришнинг ижролари бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисобида сақланаётган 7.500.000 сўм пуллар гаровга қуювчи Юлдашева Хулкар Саидмуратовнага қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ва прокурор протест билдириши, мазкур муддат ўтгач қонуний кучга кирган ҳукм устидан шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят, протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи, судья**

**А.М.Олтибоев**

